



«САЙЛОВЧИ ЎЗ
ОРТИДА ДЕПУТАТИ
БОРЛИГИНИ
ҲИС ЭТИШИ
КЕРАК»

2

ПРЕЗИДЕНТ
САЙЛОВИГА **66** КУН
ҚОЛДИ

«НАВОИЙ
АНДИЖОН ИДУРУР?»



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТИ

МИЛЛИЙ ТИЖОРАТ
ДЕМОКРАТИЯ
ПАРТИЯСИНИ
ТОҚТАМОНЧИЛИГИ
ТАЪТИМ



miiliy

1995 йил 10 июндан чинса бонелатан

www.mi.uz / gazeta@mi.uz / miiklanish@mail.ru

tiklanish

№ 28 (1130) 2021 йил
18 август, чоршанба



ISSN 2010-7114



ДЕПУТАТ

МАНСАБДОРГА ЭМАС,

**САЙЛОВЧИГА
БЎЙСУНИШИ
КЕРАК**

3

Айни пайтда Президент сайловига кизгин хозирлик кўряпмиз. Туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, депутатлар ва партия ходимлари халқ орасида юриб, тарғибот-ташвиқот юритмокдалар.

Давоми 3-бетда



«Yoshsaylovchi.uz»
ёшларни сиёсий
фаоллигини
оширишга хизмат
қилади

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида «Ёшларнинг сиёсий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусидаги «Ёш сайловчи» акциясини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича брифинг ташкил этилди. Мазкур брифинг доирасида янги лойиха — «Yoshsaylovchi.uz» электрон платформасининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу платформанинг мазмун-моҳияти, аҳолияти, долзарблиги ва имкониятлари хақида ахборот технологиялари мутахассиси Азизбек Турдимуродов ЎЗА мухбирига сўзлаб берди:

— Бу йил мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Маълумки, мамлакатимизда сайловчиларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Бу эса ёшлар билан ишлаш, уларнинг сайлов жараёнидаги фаоллигини ошириш бўйича ишларни жадаллаштиришни тақозо этади.

Шу маънода биринчи марта ишлаб чиқилган «Yoshsaylovchi.uz» электрон платформаси юртимиз ёшларининг сайловдаги иштирокини, фаоллигини таъминлашда, уларни жиёслаштиришда муҳим ўрин тутади. Мазкур платформанинг имкониятлари кенг. Масалан, қайси ҳудуд ёшлари фаол, аксинча, қаерда суёт қатнашяпти — бу ҳолатларни кузатиб бориш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизнинг 14 та ҳудуди, 206 та туманидаги ёшлар сиёсий кампания даврида қандай иштирок этаётгани мунтазам кузатилиб, таҳлил қилиб борилади. Шунга қараб, ёшлар фаоллиги паст даражада бўлган ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўша ерда тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилади. Ҳаммамизга маълум, бугун йигит-қизларнинг деярли барчаси асосий ахборотни Интернет тармоғидан, ижтимоий тармоклардан олади.

Давоми 3-бетда

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ: КЕЧА ВА БУГУН



➤ **ПРЕЗИДЕНТЛИК
САЙЛОВИ:
КЕЧА ВА БУГУН**

2-бет

➤ **ҲАР ҚАНДАЙ
ТАНЛОВ
АҚЛ ТАРОЗИСИДА
ЎЛЧАНИШИ КЕРАК**

5-бет

➤ **КАНАДАДА
МУДДАТИДАН
ОЛДИН
САЙЛОВЛАР**

7-бет

24
ОКТАБРЬ 2021 ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ

Сўранг,
жавоб берамиз

**САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЖТИМОЙ
ТАРМОҚЛАРДА ЁРИТИШНИ ЧЕКЛОВЧИ
БИРОР-БИР ТАЛАБ БОРМИ?**

Оммавий ахборот воситаси ҳисобланмаган ижтимоий тармоқлар сайлов жараёнларини ёритишда иштирок этмайдилар, аммо ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари, блогерлар ва Ўзбекистоннинг барча фуқаролари қонунга зид бўлмаган ҳар қандай шаклда кўрсатилган номзодлар ва сиёсий партиялар хақида ўз муносабатларини билдириш ҳуқуқига эга.

Давоми 3-бетда

3
**ТИЗИМ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИМИ?**



ҚОЗИКАЛОН ЖАСОРАТИ

ШОМУРОДОВ

Россия терма жамоаси сафига қўшиладими?

Футбол бўйича Россия терма жамоаси бош мураббийи Валерий Карпин журналистларга берган интервьюсида терма жамоа сафида куришни истаётган бир қатор футболчиларнинг номини келтириб ўтган ва ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Элдор Шомуродовнинг исмини алоҳида айтган.

— Россия терма жамоаси сафида Шомуродов, Зайнутдинов ва Еременкодек футболчилар бўлишни ҳамма мураббийлар хоҳлайди. Бироқ хоҳиш-истаклар вақтга тўғри келмайди, — дея таъкидлаган Карпин.

Карпиннинг матбуот анжуманидаги ўзига хос «баёноти»дан кейин футбол бўйича Қозоғистон терма жамоаси мураббийлар штаби бугуннинг ўзидаёқ «Бахтиёр Зайнутдинов 2022 йилги жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этиши учун Қозоғистон терма жамоасига жалб қилинган»лигини эълон қилди.

Т. РЎЗИЕВ



Омон
МАТЖОН

Умр ўтар, вақт ўтар,
Хонлар ўтар, тахт ўтар,
Омад ўтар, бахт ўтар,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.
Баҳорда бог на гўзал,
Қор тушса тоғ на гўзал,
Бу ёшлик чоғ на гўзал,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг.
Ой чиқар гоҳ заҳоли,
Дўстлар кўндир вафоли,
Ҳаёт шундан сафоли,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сокин сўзлашларинг, тинҳон излашларинг.
Умр — йўл, қайрилиш кўп,
Учрашни, айрилиш кўп,
Унутти, айрилиш кўп,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Ўша кулишларинг, ўша келишларинг...

Дилимнинг рангини гул билса бўлди,
Менинг кимлигимни эл билса бўлди.

Олис юлдузларга сиррим айтмирам,
Ноллишимни тонгни ел билса бўлди.

Учарга ҳар қушдан нар тотинмадим,
Парвозлар ҳадисин дил билса бўлди.

Жаҳолат меҳроби тошин ўлмадим,
Ўшал бағри тошим тил билса бўлди.

Дамлар шиквасига учма, омон бўл,
Фазлу камалингни эл билса бўлди.

Қуёш тонг олдида қизарган каби,
Ғунчалар қисиниб юз ёран каби
Ийманиб келсан, очиллолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Қўлингда Зухрадан гўё бир хат бор,
Гўёки Лайлидан мерос қисмат бор,
Минг йиллик ёзгудан қутуллолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Азизим, юлдузлар фалакда бахтли,
Инсон ўз қалбиди — юракда бахтли...
Сен сира ўзингни нурга солмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Гулим, «ўша»ларга ўчма-ўч очил,
Сенинг учун бузун боғлар бўш, очил!
Уларни кўявер, улар қолмаслар,
Чунки бизлар каби сева олмаслар.

ТЎРТЛИКЛАР

Тонг отди, оламда минг расм кўрдим,
Меҳрли кўзларни пок, маъсум кўрдим.
Ҳеч ким заҳар сепиб, бол йиққан эмас,
Гул кирган уйларида табассум кўрдим.

Эй зот, ханжар билан сен дам талашма,
Олам уйиндасан, олам талашма.
Менинг ўз дардимдир элимнинг дарди,
Ўз дардинг бўлмаса, қалам талашма.

Олам кўзгусида минг синар кўзгу,
Ўзимники эмас, ҳатто туш, уйқу...
Бу нурларга тартиб ким берар экан,
Қачон бир идишга тушар бор оғу?!

Йўқ дерлар, иши бор бор билан йўқнинг,
Бўйлиқдан ўтар-ку йўли ҳар ўқнинг,
Куччилар кучсизга қўл узатсалар,
Қадри ортар эди ҳар энган чўенинг.

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 18 avgust	+34° +19°	ochliq havo	0%
Payshanba 19 avgust	+36° +22°	joylarda bulutli	0%
Juma 20 avgust	+37° +24°	joylarda bulutli	1%
Shanba 21 avgust	+37° +23°	ochliq havo	2%
Yakshanba 22 avgust	+36° +22°	ochliq havo	3%
Dushanba 23 avgust	+35° +21°	ochliq havo	5%
Seshanba 24 avgust	+35° +21°	ochliq havo	5%

Келинг, бир кулишайлик!

Бой хонадон кизига уйланмоқчи бўлиб келган йигитнинг гаплари:
— Гап сизларнинг бойлигингизда эмас. Қизингизни севаман!
Хонадон этаси:
— Ахир бизнинг 3 та кизимиз бор. Қайси бирини?
Йигит:
— Фарқи йўқ!

Бир одамнинг ўғлини кўшнисини кучуги тишлаб олибди.
Врачга борса, врач сўрабди:
— Болангизни қандай ит тишладди?
— Кичкина ит тишлади.
— Дайди итми ёки таниш ит?!
— Менинг итлардан танишим йўқ.

Бизга қўшилинг



«Миллий тикланиш»нинг «Дўппи» челленжида иштирок этинг!

Бошқотирма

Кадимги рус аскар бошлиғи

Янги сувоқ ишланган расм

Садо, товуш, овоз

Чехия авто русуми

Кад. Рим мис тангаси

Григорян (боксчи)

Микеланжело Пиччолининг иштирокидаги фильм

Италия футбол клуби

Мўғил чўпон

Узум дори

Нағза пойдевор

Ҳафта кўни

Овқат идиши

Кафт ўлчови

Саваллаш учун мажсуус камчи

Товуш ёзма белгиси

Дехкон "офиси"

Артиллерия ўқи тури

Мивиб юрадиган хайвон

Афсонавий қуш

Юқори мартаба, ўрин

Газета тиражи

Болали хотин

Эрта тонг пайти

"Мусулмончилик...-секин"

Фан, санъат унвони

Шумлаҳар, ав-топой-гачи

Таркиядаги шаҳар

Ихтилоф, нифок

Булут

Муаллиф

Юсупова, актриса


Тайёр қилин, намуна

Жаннатдан ҳайдалган одам

Елгон гап, уйдирма

Макон

Пайт, фурсат, он



Дунёнинг ярни гапиришга гапи бору, аммо ўз фикрини билдиришга имкони йўқлардан ва қолган ярни гапиришга гапи йўғу, аммо доим гапирадиганлардан иборат.

Роберт Фрост

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО,
Нодир МУХТОРОВ, Одиложон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ,
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,
Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ,
Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош мухаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри,
Миробод тумани,
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи мухаррир:
Равшан МАХМУДОВ

Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Умид АРСЛОНБЕКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Соҳиба СОЛИЕВА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқали.

Алади – 24 976.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Қоғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 816
Босишга топириш вақти 21.00.
Топирилди 2:30

Электрон почта: **ISSN 2010-7714**
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru